

**ОЗОД ШАРАФИДДИНОВ МАҚОЛАЛАРИДА ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА
ПОРТРЕТИГА ЧИЗГИЛАР.**

Навруз Сувонов

Ўзбекистон журналистика ва оммавий

коммуникациялар университети

(suvonovnavroz18@gmail.com, +998947840325)

Annotasiya: *Ozod Sharafiddinov maqolalarida Hamza Hakimzoda Niyoziy shaxsiyati va portretiga berilgan chizgilar. Xolis, teran tahlil va fikrlar. Hamza shaxsiyati atrofidagi bahslarga xulosa yasaydigan faktlar va bularning hammasi munaqqid Ozod Sharafiddinov nazdida. Teran va xolis yondashuv bilan ijodkor haqiqatlarni tahlil qiladi, shuningdek adabiyotdagi, ayniqsa tanqidchilikdagi kamchiliklar haqida.*

In the articles of Ozod Sharafiddinov, the drawings given to the personality and portrait of Hamza Hakimzada Niyazi. Unbiased, in-depth analysis and opinions. The critic Azod Sharafiddinov has all the facts that conclude the controversy surrounding Hamza's personality. With a deep and unbiased approach, the creator analyzes the facts, as well as the shortcomings in literature, especially in criticism.

В статьях Озода Шарафиддинова использованы рисунки, посвященные личности и портрету Хамзы Хакимзаде Ниязи. Беспристрастный, глубокий анализ и мнения. Критик Азод Шарафиддинов располагает всеми фактами, завершающими споры вокруг личности Хамзы. С глубоким и непредвзятым подходом автор анализирует факты, а также недостатки литературы, особенно критики.

Keywords: *sho'ro adabiyoti, tahlil, Hamza Hakimzoda, mafkura.*

Озод Шарафиддинов ўз эътиқодига кўра, ҳамиша ижод боғига ойболта эмас гулкайчи кўтариб кирган теран мунаққид эди. Унинг бу фаолияти совет режимидан кейин ўзбек адабиётининг кўкрагини кўтариш учун хизмат қилди. Кўпчилик зўр бериб чаплашга уринган чин истеъдодларнинг аҳамиятини Озод Шарафиддинов очиб берди, оқ қорани қора деди у. Ана шундай ижодкорлар бири, аниқроқ айтадиган бўлсак, истибдоднинг ихтиёрсиз қурбонларидан бири Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий эди. Озод Шарафиддинов „Истиклол фидойилари“ номли китобида Ҳамзага аталган мақоласини ёзади. „Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ўзбек маданиятининг йирик намояндаси бўлиб, Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Авлоний, Боту, Ғулом Зафарий каби атоқли санъаткорлар билан бир сафда туришга муносиб ижодкордор.“ Ҳамза миллий ва янги адабиётни яратмоқчи эди, у драматургия, романчилик ва замонавий адабиёт, халқнинг миллий уйғонишида катта ишлар қилмоқчи эди. У ҳам кўпчилик қатори шўро тузумининг қурбони бўлган эди. 1929 - йил жоҳил оломон томонидан тошбўрон қилинган Ҳамза кўп ўтмай улуғ шўро ижодкори сифатида намоён қилина бошланди. Энг қизиғи бу ишлар унинг ўлиmidан кейин бошланди. Бу ишлар шу даражага бориб етдики,

Ҳамза бутуниттифоқ доирасида энг катта, унча мунчаларга орзу бўлган шуҳратларга эришди. Негаки шўровийларга бундай қаҳрамон керак эди. Афсуски улар буни Ҳамза номи остида яратдилар. Озод Шарафиддинов бу ҳолатга таъриф берар экан, „Шўро мафкураси Ҳамзани оқ кигизга ўтқазиб, эгасиз қолган адабиёт тахтига чиқариб қўйди,« - дейди. Буни у шундай изоҳлайди, яъни шўролар ҳокимиятга келгандан кейин айниқса зиёлиларга нисбатан „камчи ва ширин кулча» сиёсатини қўллайди. Яъниким уларнинг бир қисмига шон-шуҳрат берилиб, сийлаб турилади, бир қисми эса аёвсиз қатағон қилинади. Ана шундай шафқатсиз эди бу тизимнинг сохта ғоялари.

Октябр инқилобининг 20 йиллиги арафасида „Инқилоб ҳамма миллатларга янги ҳаёт олиб келди, уларнинг адабиёти ва санъатини яшнатди,“ - деб жар солинарди. Энг яхши тарғибот адабиёт эканини билган советлар наҳотки шундай улуғ инқилоб ҳақида бирорта ўзбек маҳд айтмаса деб ўйлашди ва Ҳамзани ана шундай қаҳрамон қилиб ясашади. Озод Шарафиддинов таъбири билан айтганда, Ҳамза шўролар қатлиомидан омон қолди, аммо ҳукмрон мафкура йўлида қурбон бўлди. Бу Ҳамза шахсияти ва портретига берилган энг яхши таъриф деса бўлади. Эҳтимол Ҳамза узоқроқ яшаганда эди, бундай бўлмасди, бунга йўл қўймасди. Энг катта ёлғонлардан бири унинг октябрь инқилобига муносабати масаласида эди. Гарчи ул ҳақида юзлаб мақолалар, китоблар, маърузалар яратилган бўлсада уларнинг ҳеч қайсисида Ҳамзада марксизм, ленинизм дунёқараши қайси манбаларда намоён бўлади деган савол берилмайди. Аслида эса Ҳамза аслиятан хур ижод, эркин жамият, янгича ижод ва янгича жамият яратиш тарафдори бўлган. Унинг ижодида Озод Шарафиддинов таҳлилига кўра ватан ва миллат масаласи турган. Бу ерда инқилобий янгилик билан миллий янгиланишнинг катта фарқи бор эди ва кўпчилик ана шу нарсани кўра олмади. Кўпчилик унинг 1917 - йиллар ёзилган инқилобча шеърларини асос қилиб зўр бериб танқид қилишга уринишади. „Уйғон ишчилар«, „Ишчилар уйғон«, „Яша шўро« деган шеърлари биринчидан инқилобни эмас балки халқнинг тинқасини қуритган чоризмни қоралаб ёзади, иккинчидан Ҳамза ҳам кўпчилик каби мафкуранинг ихтиёрсиз қурбони бўлгани рост. Бу каби теран таҳлил ва қараш фақатгина Озод Шарафиддиновдек мунаққидга ҳосдир.

Озод Шарафиддинов мақоласида ёзилишича 1928 - йил 11 - январь „Улуғ Туркистон« газетасида Ҳамзанинг „Туркистон мухторияти« деган шеъри босилган. Қирқ беш мисра шеърнинг барча мисраси шу банд билан тугайди.

Қутлуғ бўлсин Туркистон мухторияти!

Яшасун энди бирлашиб ислом миллати!

У яшасин шўро демайди. Яна бир мисол 1919 - йил „Иштирокиюн« газетасида „Ким йиғлар« номли ғазали эълон қилинади. У Чўлпоннинг „Гўзал Фарғона сенга не бўлди?« шеъри билан бир хил мазмунга эга. Шунингдек, у йигирманчи йиллар „Фарғона фожиалари« деган драма ҳам ёзади. Манаман деган рус шоирлари Есенин, Ахматова, Пастернак ҳам ҳаттоки мафкурадан ташқари ижод қилган. Кўпчилик, масалан Қодирийнинг асарлари сира ҳам совет қолипига тушмасди дейди Озод Шарафиддинов. Умуман олганда бир ижодкорнинг бир давр ёки бир мафкура

MODERN EDUCATIONAL SYSTEM AND INNOVATIVE TEACHING SOLUTIONS

иждокори сифатида баҳолаш ҳам тўғри бўлмайди. Адабиёт аввало инсон учун ёзилади, кўнгил учун ёзилади. Кейинги йилларда Ҳамза ижодининг нотўғри талқин қилиниши унинг ижодини ўрганишга, асарларини нашр этишга, тадқиқ ва татбиқ қилишга бироз ёмон таъсир қилди афсуски. Уни тўғри баҳолай олмаслик сабаб, кўплаб адабиётшуносларнинг юзаки назариялари сабаб бўлиб қолмоқда бунга. Озод Шарафиддинов каби иждод боғига гулкайчи кўтариб кирган мунаққидларгина буни англай оладилар.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Ozod Sharafiddinov - Tanlangan asarlar, „Sharq“ - 2019. Toshkent.
2. Abdugʻafur Rasulov - Isteʼdod va eʼtiqod, „Sharq“ - 2000. Toshkent.
3. Obidjon Karimov - adabiyot fanidan uslubiy qoʻllanma. „Namangan“ nashriyoti. 2016 - Namangan.

